

УДК: 636.22/28

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ҚИЗИЛ ЧЎЛ ВА ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАР АВЛОДЛАРИНИНГ ПУШТДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<sup>1</sup>Бойбулов Бурхон Шодиевич, <sup>2</sup>Холиқов Нурбек, <sup>3</sup>Бухарова Муҳаббат, <sup>4</sup>Абулсаидов  
Баҳоуддинхон Самариддин ўғли

<sup>1</sup>к.х.ф.н., катта илмий ходим, ЧПИТИ Қашқадарё илмий-тажриба станцияси,

<sup>2,3</sup>лаборантлар, <sup>4</sup>таянч докторант (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13848112>

**Аннотация.** Мақолада сигирларнинг юқори маҳсулдор подаларини яратишда ва молларнинг бош сонини кўпайтиришда уларнинг пуштдорлик хусусиятлари ўрганилган. Чунки яхши пуштдорлик хусусиятларига эга сигирлар ўз вақтида оталаниб, йил давомида авлод бериб боради ва одатда бундай сигирлар яхши даражадаги маҳсулдорликка эга бўлади.

**Калим сўзлар:** қорамол, зот, пуштдорлик, пода, қизил чўл, голштин, қора-ола, қизил-ола, сут, насл.

**Аннотация.** В статье изучены особенности плодовитости коров при создании высокопродуктивных стад и увеличении поголовья крупного рогатого скота. Потому что коровы с хорошими показателями плодовитости вовремя телятся, рожают в течение всего года и обычно такие коровы имеют хороший уровень продуктивности.

**Ключевые слова:** крупный рогатый скот, порода, разведение, стадо, красно-пестрая, голштинская, черно-пестрый, красно-пестрый, молоко.

**Abstract.** In the article, the characteristics of cow fertility in creating high-yielding herds and increasing the number of cattle are studied. Because cows with good fertility characteristics will calve on time, give birth throughout the year, and usually such cows will have a good level of productivity.

**Keywords:** cattle, breed, herd, red desert, Holstein, black pied cattle, red pied cattle, milk, offspring.

Республикамиз аҳолисининг эҳтиёжини арзон ва сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлашда, сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришишда молларни тўла қийматли озиклантириш билан биргаликда селекция-наслчилик ишларини олиб бориш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чорвачиликда жумладан, қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари шароитида наслчилик-селекция ишларини яхшилашда, сермаҳсул подаларни яратишда четдан келтирилган қорамолларнинг авлодларининг ўсиш, ривожланишини ўрганиш ва уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш усулини жорий этиш кўзланган натижага эришиш имконини беради. Самарали танлаш ва жуфтлаш усулларида кенг фойдаланиш, юқори маҳсулдор подалар барпо этишни таъминлайди.

Соҳада озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга наслчилик ишини ва молларни асраш шароитларини яхшилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чорва озуқасидан унумли фойдаланиш ҳазмланишни яхшилаш, маҳсулдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. А.А.Нурматов, Б.Д.Аллашов, Ш.Жабборов, И.Рустамова, Ш.Турсуновлар

таъкидлашларича қорамолларни Кореянинг ТМР технологияси билан боқиш озуқа самарадорлигини ошириш ва шу билан бирга маҳсулдорликни оширишга олиб келади. Б.Д.Аллашов, Д.О.Раҳмонов, А.П.Безверховларнинг ишларида махсар экиннинг ейилувчанлик хусусиятлари, бошқа озуқа экинларига нисбатан афзалликлари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шўрланган ерларда озуқа базасини яхшилаш мақсадида М.И.Аннаева, Ф.Н.Тореев, М.М.Якубов, Б.Д.Аллашов, Н.Мавлоновалар томонидан қашқарбедани етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Б.Д.Аллашов, А.Э.Янгибоев О.Р.Куччиевлар томонидан қорамоллар сут маҳсулдорлигига озуқабоп лавлагининг таъсири ҳамда элита уруғларини етиштиришнинг жадал усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. И.Хафизов, Б.Қахрамонов, С.Исамухаммедов., А.Хафизовнинг (2022) маълумотларига кўра, озиклантириш омили қишлоқ хўжалик ҳайвонларини маҳсулдорлиги оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, беда ўсимлиги, маккажўхори ва оралик экинлардан тайёрланган пичан, силос ҳамда сенаж асосий озуқалардан ҳисобланади. И.Хафизов, У.Куччиев, А.Хафизовларнинг (2009) хулосасига кўра, тўла қийматли озиклантириш имкониятларини яратиш сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ва пуштдорлик хусусиятларини оширади. Соҳа олимлари А. Нурматов, И.Хафизовларнинг (2024) фикрича, қорабайир зот отларига мақбул озиклантириш шароитини яратиш, уларни насл ва ишчанлик хусусиятларини яхшилайти

Қорамолчиликда сигирларнинг самарали сунъий уруғлантириш ҳамда голштин зотли қорамолларнинг авлодларини маҳсулдорлиги оширилади. Ушбу мавзу бўйича амалий тадқиқотлардан олинган натижаларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда четдан келтирилган урчитиш режалаштирилган сут йўналишидаги бир нечта зотга мансуб қорамоллар мавжуд. Бу қорамол зотлари республикамиздаги жанубий минтақаларини иқлим шароитига яхши мослашлаштириш ва уларнинг авлодларидан юқори сут маҳсулотини олиш, улар муҳим хўжалик ва биологик хусусиятларга эга. Бу қорамол зотлари авлодларини иқлим шароитларига яхши мослашишини, яхши озиклантириш шароитида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, маҳаллий озуқаларнинг яхши истеъмол ва ҳазм қилиши каби муҳим хусусиятларини такомиллаштириш лозим. Бундай ижобий хусусиятларга эга ва маҳаллий шароитларга мослашган зотли қорамолларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида қизил чўл ва голштин зотли қорамолларнинг авлодларини яхши асраш ва озиклантириш шароитларини яратиш натижасида, подага нисбатан тажрибадаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш мобайнида пуштдорлик хусусиятларини ўрганиш га эришилди ҳамда юқори маҳсулдор сигирлар подаси барпо этилди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини насл ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришда фермер хўжаликлари шароитида наслчилик-селекция ишларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларда қизил чўл ва голштин зотли қорамолларнинг 3 та гуруҳида (n-30) насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари ўрганилади. Ушбу тажриба гуруҳларидаги сигирлар юқори насл қийматига эга подани тўлдирувчи гуруҳлари барпо этилади ва улар мақсадга мувофиқ парвариш қилинмоқда.

Тадқиқотларда ёз фаслида барча гуруҳлардаги молларнинг клиник кўрсаткичлари куз, қиш ва баҳор фаслларида нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди, бу эса ёз фаслида

иссиқ ҳаво ҳарорати таъсирида моллар организмда модда алмашинув жараёнлари бироз юқори даражада кечганлигидан далолат беради.

Республикаимизнинг иссиқ иқлим шароитида қизил чўл ва голштин зотли қорамоллар авлодларининг маҳсулдорлигини оширишда усулини жорий этиш бўйича тадқиқотлар республикаимизнинг иссиқ иқлим шароитида олиб келинган зотли қорамолларнинг авлодлари маҳаллий шароитда тўла қийматли озуқалар асосида озиклантирилиб, замонавий биноларда яхши асраш шароитларида сақланмоқда ҳамда уларни маҳсулдорлигини ошириш усули наслчилик фермер хўжаликларида жорий этилмоқда.

Тадқиқотларимизда республикаимизнинг иссиқ иқлим шароитида қизил чўл ва голштин зотли қорамоллар авлодлари тўла қийматли озиклантириб, яхши асраб ва парваришланимоқда. Таҷриба гуруҳидаги сигирларни наслдор буқалар билан “яккама-якка” жуфтлаш режаси ишлаб чиқилди ва ушбу режа асосида жуфтлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса зотли қорамоллар ва уларни авлодларини селекция белгиларин ўзида сақлаб қолишда ҳамда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ошишида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Қорамолчиликда сигирларнинг пуштдорлиги асосий селекция белги ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда I-гуруҳ, II-гуруҳ ва назорат гуруҳидаги сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари келтирилади.

1-жадвал

Таҷриба гуруҳидаги сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Г у р у х л а р					
	I –гуруҳ		II -гуруҳ		Назорат-гуруҳ	
	(n=10)		(n=10)		(n=10)	
	M±m	Cv,%	M±m	Cv,%	M±m	Cv,%
Туғишлараро давр давомийлиги, кунлар	282,4±1,01	3,20	282,7±1,12	3,56	281,5±0,84	2,67
Сервис даври давомийлиги кунлар	75,2±0,48	1,54	74,3±0,42	1,33	72,7±0,51	1,63
Биринчи қочириш даги оталаниш даври, %	82,4±0,49	1,57	84,7±0,47	1,49	80,9±0,64	2,02
Қочириш индекси, %	1,25±0,04	0,01	1,18±0,02	0,07	1,23±0,02	0,07
Биринчи оталанишдаги ёши, кунлар	551,5±1,36	4,30	554,8±1,61	5,11	544,8±0,67	2,14
Биринчи туғишдаги ёши кунлар	834,0±1,22	3,85	837,5±1,60	5,06	830,6±0,87	2,75

Биринчи қочиришдаги тирик вазни	355,1±5,06	16,01	364,4±8,22	26,02	335,2±10,17	32,17
---------------------------------	------------	-------	------------	-------	-------------	-------

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, II-гуруҳ сигирларининг оталаниш даражаси назорат-гуруҳидаги сигирларникидан 4 % га юқори бўлди. II-тажриба гуруҳ сигирларининг назорат-гуруҳлардаги сигирларга нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлганилигини кўрсатади. Бу эса четдан келтирилган қорамоллар авлодларининг маҳсулдорлигини оширишда тажрибадаги сигирларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради. Барча гуруҳлардаги сигирларнинг туғишлараро даври давомийлигида сезиларли гуруҳлараро фарқ кузатилмади, аммо назорат гуруҳ сигирларининг сервис-даври давомийлиги I гуруҳдаги тенгқурлариникидан ўртача 2,5 кун қисқа бўлди, II гуруҳлардаги тенгқурлариникидан эса 1,6 кун қисқа бўлиб, тегишли равишда фарқ сезилмади. Биринчи қочиришда оталаниш даври II-гуруҳ сигирларида назорат гуруҳдаги тенгқурлариникига нисбатан тегишли равишда 3,8 % юқори бўлди. 1-жадвал маълумотларидан кўринишича, назорат гуруҳ сигирларининг биринчи оталанишдаги ёши кунлари I ва II-гуруҳлардаги тенгқурлариникидан тегишли равишда ўртача 6,7 ва 10,0 кун қисқа бўлди. Биринчи қочиришдаги тирик вазни назорат гуруҳидаги сигирларнинг тирик вазни I ва II-тажриба гуруҳи сигирларига нисбатан 19,9 ва 29,2 кг кам бўлди. Олинган маълумотлар I ва II-гуруҳ сигирлар етарли даражада яхши пуштдорлик хусусиятларига эга бўлганлигидан далолат беради, бунда айниқса қизилчўл ва голштин зотли сигирлар назорат гуруҳи сигирларга нисбатан бирмунча яхши пуштдорлик хусусиятларига эга бўлди. Шунини ҳам қайд қилиш лозимки, I гуруҳ сигирларининг соғин давридаги сут маҳсулдорлиги тегишлича 5974,6 кг ва ёғлилиги 3,8%, II гуруҳда 6370,9 кг ва 3,7 % ҳамда назорат гуруҳда 4932,4 кг ва 3,4% ни ташкил этди, яъни II- тажриба гуруҳидаги голштин зотли қорамоллар авлодлари сигирларининг сут миқдори 6370,9 кг - ни ташкил этиб, I-тажриба гуруҳидаги қизил чўл зотли сигирлардан 396,3 кг га ва назорат гуруҳидаги сигирлардан эса 1438,5 кг га кўп юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Бу II-тажриба гуруҳидаги голштин зотли қорамоллар авлодлари сигирларининг яхши даражадаги пуштдорлик хусусиятлари билан бирга бошқа гуруҳлардаги тенгқурларига нисбатан юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлганлигидан далолат беради, бу эса юқори маҳсулдор подалар яратишда ушбу тизимга хос наслдор буқалардан кенгрок фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигидан далолат беради.

**Хулоса.** Иссиқ иқлим шароитида қизил чўл ва голштин зотли сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичларида гуруҳлараро сезиларли фарқ кузатилмади ва улар етарли даражадаги яхши пуштдорлик хусусиятларига эга бўлдилар. Бу эса келиб чиқишидан қатъий назар, четдан келтирилган, ушбу шароитда қизил чўл ва голштин зотли сигирлар бизнинг иссиқ иқлимга яхши мослашганлигидан далолат беради.

## REFERENCES

1. B.D.Allashov, Yangiboyev A.E. Kuchchiyev O.R. Qora-ola zotli qoramollar sut mahsuldorligiga ozuqabop lavlagining ta'siri hamda elita urug'larini yetishtirishning jadal usuli. Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining 12-14 may 2022 yildagi “Qishloq xo‘jaligida innovatsion texnologiyalarni

- ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari” mavzusidagi fnjuman materiallari to’plami.111-bet
2. Абдолниёзов Б., Худоёров Р. Қизил ола голштин билан қизил-чўл зотлари дурагайларининг махсулдорлиги. “Агро-илм” журнали, 2007-йил, 2-сон, 33-бет.
  3. Акмальханов Ш. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане// Мехнат.- Тошкент: -1993.-С. 59-60.
  4. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент-2017 йил, “Наврўз”нашриёти, 285-297-бетлар.
  5. Аллашов Б.Д, Рахмонов Д.О., Безверхов А.П. Использование сафлора в качестве нетрадиционной кормовой культуры. Ж.// Главный агроном. Россия № 6. 2019. 2019:6.
  6. Б.Аллашов, С.Жамолов.Озуқабоп экинларнинг иссиққа ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж.Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. 2023/11/11. Ст.230-233
  7. Бойбулов Б., Шодиева Э. Голштин ва қизил чўл зотли қорамолларнинг пуштдорлик хусусиятлари. Самарқанд-2023 йил. 171-175 бетлар
  8. Нурматов А.А., Хафизов И.И., Хафизов А.И., Карибаева Д..Скороспелость жеребят карабайский породы и их помесей с фризской породой. Материалы конференции:Актуальные вопросы совершенствование технологии производства и переработки продукции сельского хозяйства. Мосоловские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. Марийский НИИС/Х-фил. Фед. аг.науч.ц.р Сев.-Вос. им.Н.В.Рунницкого. 2024г., № XXVI.,С. 486-490.
  9. С.Ғ.Жамолов, Б.Д.Аллашов. Кузги ва баҳорги муддатларда экилган озуқабоп экинларда олиб борилган селекция ва бирламчи уруғчилик ишлари. Ж.Science and innovation. Том 2. Номер Special Issue 8, Ст. 302-306
  10. Хафизов И.И., Куччиев У., Хафизов А.И.. Тўла қийматли озиклантиришни ташкил этишнинг сигирлар сут махсулдорлигига таъсири. 2009 й., ж:"Ўзбекистон кишлок хўжалиги" журналининг "Агро илм" иловаси., Тошкент, № 2-сон(6), 24-25б.
  11. A.A.Nurmatov, B.D.Allashov, Sh.Sh.Jabborov, I.Rustamova, Sh.Tursunov. Feeding farm animals based on the new innovative total mixed ration (TMR) technology. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2020/12/1. 614 (1), 012161
  12. B.Amanturdiev, B.Allashov, F.Toreev, N.Khudoyberdiev, U.Beknaev. Investigating stimulated ripening indicators of longbeak rattlebox (Crotalaria) planted in the coasts of the Aral Sea. E3S Web of Conferences, 2023, 421, 01001
  13. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 2020 614 (1), 012159
  14. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, M.N.Sattarov. Primary seed production of fodder crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 2020 614 (1), 012160
  15. M.I.Annaeva, F.N.Toreev, M.M.Yakubov, B.D.Allashov, N. Mavlonova. Agrotechnology of Melilotus albus cultivation in saline area. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012170
  16. B.Mardatov, B.Allashev, U.Beknaev, R.Khalimmetova, A.Sharapov. Mixed cultivation of legumes and cereals to strengthen the fodder base in cattle husbandry. E3S Web of ConferencesЭта ссылка отключена., 2021, 258, 04048